



## БОТАНИКА ФАНИДАН ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯНИ ЛОЙИХАЛАШТИРИШ ВА РЕЖАЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ ВА УЛАРДАН ДАРС ЖАРАЁНИДА ФОЙДАЛАНИШ

**Х.Э.Исмаилов**

*ТошДАУ академик лицейи.*

*педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)*

**Аннотация:** Таълим технологиясининг концептуал асосларида ўқув фанининг долзарблиги, мақсад ва вазифалари, аудитория соатларининг умумий ҳажми ва ўқув фанининг намунавий дастурига мувофиқ уларни мавзулар бўйича тақсимотига мос бўлиши керак. Ботаника фанининг мазмуни, ўқув фанининг намунавий дастурига мувофиқ ўқув фанининг мавзу мазмуни баён этилади.

**Калит сўзлар:** Таълим технологияси, ўқув режа, лойиҳа, лаборатория, амалий машгулот, технологик харита, ақлий хужум, таълим модели, реферат, тест.

**Аннотация:** Образовательной технологии должны быть согласованы актуальность, цели и задачи учебного предмета, общий объем аудиторных часов и их распределение по темам согласно типовой программе учебного предмета. Содержание предмета Ботаники описано в соответствии с типовым учебным планом предмета.

**Ключевые слова:** Образовательная технология, учебная программа, проект, лаборатория, практические занятия, технологическая карта, мозговой штурм, образовательная модель, реферат, тест.

**Annotation:** In the conceptual framework of educational technology, the relevance, goals and tasks of the educational subject, the total volume of classroom hours and their distribution by topics according to the model program of the educational subject should be consistent. The content of the subject of botany is described in accordance with the model curriculum of the subject of the subject of the subject.

**Key words:** Educational technology, curriculum, project, laboratory, practical training, technological map, brainstorming, educational model, abstract, test.

Ботаника фани барча биологик ва агрономик фанларнинг асосини ташкил қилганлигидан уни ўқитишда ўқитувчидан юксак педагогик маҳорат ва замонвий таълим технологияларини қўллаш малакасини талаб қилади. Ботаника фанидан талим технологияси қуйидагилардан келиб чиқиб ишлаб чиқилади:

- Биологик фанлар қатори ботаника фанида таълимни технологиялаштириш қоидасига амал қилиш;
- фан бўйича ўқув ахборот мақсади, тузилмаси, мазмуни ва ҳажми;
- ДТС томонидан белгиланган, ўқув режасида аниқлаб берилган вақтда ва берилган шароитда таълим бериш мақсадига эришишни кафолатловчи таълим бериш,



мулоқот, ахборот ва бошқарувнинг йўл ва воситаларини танлашнинг концептуал ёндашувлари.

Таълим технологиясининг кириш қисмида иқтисодиётнинг бозор тамойиллари кескинлашуви шароитида ва жамиятнинг демократиялашувида таълим беришни технологиялаштиришнинг долзарблиги асосланади, ўқув фани бўйича таълим технологиясининг тузилиши баён этилади ва маъруза, амалий ва лаборатория машғулотларига лойиҳаланган таълим бериш технологиясига қисқа тавсифлар берилади.

Таълим технологиясининг концептуал асосларида ўқув фанининг долзарблиги, мақсад ва вазифалари, аудитория соатларининг умумий ҳажми ва ўқув фанининг намунавий дастурига мувофиқ уларни мавзулар бўйича тақсимомага мос бўлиши керак. Ботаника фанининг мазмуни, ўқув фанининг намунавий дастурига мувофиқ ўқув фанининг мавзу мазмуни баён этилади. Ўқув машғулотида таълим технологиясини ишлаб чиқишнинг концептуал ҳолатлари - таълим бериш, мулоқот, ахборот ва бошқарувнинг йўл ва воситаларини танлашнинг асоси бўладиган, таълим технологиясини лойиҳалаш ва режалаштиришнинг концептуал асосларини яратади.

**3. Маъруза, амалий машғулотларига лойиҳаланган таълим технологияси.**  
Ҳар бир таълимий технология таълим технологияси, таълимнинг технология харитаси, технология харитасига иловалардан иборат бўлади.

### 3.2. Ўқув фани бўйича ўқитиш режасининг тузилиши ва мазмунли таркиби

Ботаника фани ва ўтиладиган мавзулар бўйича машғулотнинг *таълим модели* жадвал кўринишида бўлиб, унда қуйидагилар кўрсатилади:

- *дастлабки маълумотлар*: ўқув мавзуси, вақти, талабалар сони;
- *шакл* (маъруза, амалиёт ва бошқ.) ва *кўриниши* (масалан, муаммоли маъруза ва бош.), ўқув машғулоти режаси, тузилиши, унинг мақсади, ўқув фаолиятининг кўзланаётган натижалари, педагогик вазифалари;
- *танланган таълим модели*: *усуллар, шакллар ва ўқитиш воситалари*;
- *таълим бериш шароити*: маҳсус жиҳозланган, гуруҳли шаклларда ишлашга мўлжалланган хоналар;
- *мониторинг ва баҳолашга* асосланган қайтар алоқанинг йўл ва воситалари: назорат тури (ёзма ва оғзаки), назорат шакли (тезкор-сўров, тест олиш, тақдимот, ўқув топшириқлари ва бошқ.).

*Ўқув машғулотининг технология харитаси* уч қаторни ўз ичига олиб, 1,5-2 варақда жадвал кўринишида бажарилади: (1) ўқув машғулоти босқичлари ва вақти; (2) таълим берувчи фаолияти; (3) таълим олувчи фаолияти.

*Илова.* Ўқув жараёнининг ташкилий - дидактик вазифасини бажаради: ўқув, мустақил иш учун савол ва топшириқларни, уни баҳолаш мезонларини, ўқув иш жараёнида талабалар амал қилиши лозим бўлган қоидалар, таълим берувчи фойдаланадиган таянч ёзмалар, шунингдек чизма, жадвал, слайдлар ва бошқа

кўргазмали материаллар, режалаштирилган мақсадларга эришишни назорат қилиш учун топшириқлар (тестлар, саволлар, топшириқлар ва машқлар).

Бу ерда тақдим этилаётган материаллар чегараланмайди. Фақат улар катта ҳажмли, яхши тузилмага келтирилган ва графикли чизмаларда расмийлаштирилган бўлиши керак.

### 3.3. Ўқув машғулотига таълим технологияси модели

Мавзу (рақами) .....(номи).....

#### Таълим бериш технологияси (маъруза/ семинар/ амалий машғулот)

<i>Вақт: ...соат</i>	<i>Талабалар сони:...</i>
<i>Ўқув машғулотининг шакли ва тури</i>	Маъруза (ахборотли/бирлашган дарс ва бошқ.), семинар (билим ва кўникмаларни чуқурлаштириш бўйича), амалий машғулот
<i>Маъруза режаси / ўқув машғулотининг тузилиши</i>	1. ... 2. ... 3. ... 4. ...
<i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i>	Шакллантириш / билим ва кўникмаларни чуқурлаштириш
<i>Педагогик вазифалар:</i> ...билан таништириш; ...таснифини бериш; ...тушунтириш; ...очиқ бериш; ... шакллантириш; ... ўргатиш ва бошқ.	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i> ...кўрсатадилар; ...таснифлайдилар; ...айтиб берадилар; ...шакллантирадилар; ...тартибли равишда очиқ берадилар
<i>Таълим усуллари</i>	Маъруза, инсерт, ақлий ҳужум ва бошқ.
<i>Таълим шакли</i>	Фронтал, жамоавий, гуруҳларда ишлаш
<i>Таълим воситалари</i>	Маъруза матни, техника воситалари ва бошқ.
<i>Таълим бериш шароити</i>	Махсус техника воситалари билан жиҳозланган, гуруҳли шаклларда ишлашга мўлжалланган хоналар
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Оғзаки сўров: тезкор-сўров ва бошқ. Ёзма сўров: реферат, тест ва бошқ.

### 3.4. Ўқув машғулотининг технологик харитаси

Технологик харитада таълим берувчи ва таълим олувчи фаолият (ўқув жараён)и босқичларининг кетма-кетлиги ва мазмуни ҳамда уларда қўлланиладиган воситалар тавсифланади. Технологик харита талабаларнинг мустақил ишлашларини назорат қилишга ёрдам беради.

Мавзуй режадан фарқли ўлароқ технологик харитада (1) таълим берувчи фаолияти билан бирга, таълим олувчининг ҳам фаолияти, (2) ўқув машғулотининг



босқичлари ва вақти, (3) таълим беришнинг усул, шакл ва воситалари, (4) таълим мақсадларининг ўқув ютуқлари мониторинги ва баҳолашлари кўрсатилади.

**Технологик хаританинг тузилиши ва мазмунли кўрсаткичлари:**

1- босқич (5-10 дақиқагача). *Ўқув машғулотига кириш.*

**Таълим берувчи ва таълим олувчилар ҳаракати.** *Таълим берувчи* мавзунинг номи, (маъруза) режаси билан, ўқув машғулотининг хусусияти билан (муаммоли маъруза, ўргатувчили ўйин ва бошқ.), мавзу бўйича асосий тушунчаларни; мустақил ишлаш учун адабиётлар рўйхатини, ўқув машғулотида ўқув ишларини баҳолаш мезонлари билан таништиради.

*Таълим олувчилар* тинглайдилар, аниқлаштирадилар, саволлар берадилар, ёзиб оладилар.

2- босқич (55-65 дақиқагача). *Асосий / маълумот берувчилик.*

**Таълим берувчи ва таълим олувчилар ҳаракати.** *Таълим берувчи* ўқув машғулотининг режаси тузилишига мувофиқ тузиб чиққан таълим моделини амалга оширади, кўзланаётган ўқув натижаларига эришиш бўйича таълим олувчилар ўқув фаолиятини бошқаради.

*Таълим олувчилар* кўзланаётган ўқув натижаларига эришиш бўйича режалаштирилган ўқув ҳаракатини бажарадилар.

3- босқич (10-15 дақиқагача). *Яқуний - натижавий.*

**Таълим берувчи ва таълим олувчилар ҳаракати.** *Таълим берувчи* мавзу бўйича яқун ясайди, таълим олувчилар эътиборини асосийларга қаратади, бажарилган ишларни келгуси касбий иш фаолиятидаги аҳамиятини маълум қилади, гуруҳлар, алоҳида талабалар ишини баҳолайди ёки ўзаро баҳолашнинг яқунини чиқаради; ўқув машғулотини мақсадига эришиш даражасини баҳолайди; мустақил иш учун топширик беради.

*Таълим олувчилар* ўзаро баҳолашни ўтказадилар, савол берадилар, топшириқни ёзадилар.

**3.5. Ўқув машғулотининг технологик харитаси (жадвал)**

Иш босқичлари ва вақти	Фаолият	
	<i>таълим берувчи</i>	<i>таълим олувчилар</i>
1 - босқич. Ўқув машғулотига кириш (дақ.)	1.1. Мавзунинг номи, мақсад ва кутилаётган натижаларни етказди. Машғулот режаси билан таништиради. 1.2. Мавзу бўйича асосий тушунчаларни; мустақил ишлаш учун адабиётлар рўйхатини айтади. 1.3. Ўқув машғулотида ўқув ишларини баҳолаш мезонлари билан таништиради	Тинглайдилар, ёзиб оладилар.  Аниқлаштирадилар, саволлар берадилар.
2 босқич.  Асосий	2.1. Тезкор-сўров/ савол-жавоб/ ақлий хужум орқали билимларни фаоллаштиради. 2.2. Маъруза/ семинар/ амалий	Жавоб берадилар Ёзадилар. Гуруҳларда ишлайдилар,



(дак..)	машғулотнинг режаси ва тузилишига мувофиқ таълим жараёнини ташкил этиш бўйича ҳаракатлар тартибини баён қилади	тақдимот қиладилар ва бош.
3 босқич.  Яқуний (дак..)	<p>3.1. Мавзу бўйича яқун қилади, қилинган ишларни келгусида касбий фаолиятларида аҳамиятга эга эканлиги муҳимлигига талабалар эътиборини қаратади.</p> <p>3.2. Гуруҳлар ишини баҳолайдилар, ўқув машғулотининг мақсадга эришиш даражасини таҳлил қилади.</p> <p>3.3. Мустақил иш учун топшириқ беради ва унинг баҳолаш мезонларини етказди</p>	Ўз-ўзини, ўзаро баҳолашни ўтказдилар. Савол берадилар Топшириқни ёзадилар

### 3.6. Ўқув машғулотининг технологик харитасига иловалар намунаси

3(5.1) – илова

Кўрсатилади: 3 - илованинг тартибли тартиб рақами, 5 - мавзу тартиб рақами, 1 - берилган ўқув мавзуси бўйича ўқув машғулотининг тартиб рақами.

#### **Ақлий ҳужум қондаси**

Ҳеч қандай биргаликдаги баҳолаш ва танқид!

Берилаётган ғоялар, ҳаёлий ва жуда зўр бўлса ҳам уларни баҳолашга шошилма, ҳамма нарсага рухсат этилади.

Танқид қилма - барча берилаётган ғоялар қимматли.

Гапираётганни бўлма!

Танбеҳ беришга шошилма!

#### **4. Талабаларнинг ўқув ютуқлари назорати**

**Назорат** – доимий текшириш ёки назорат мақсадидаги текширув. Таълим олувчиларни билим, кўникма, малакаларини (БМК) аниқлаш, ўлчаш ва баҳолашни англатади; таълим берувчини таълим олувчилар билан қайтар алоқасини, улар томонидан ўқув материални ўзлаштириш даражаси тўғрисидаги ҳаққоний маълумотни олиш, шунингдек камчилик ва ораликларни аниқлашни таъминлайди.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Тошмухаммедов Б.О., Нишонбоев К.Н., Фафуров А.Т., Пратов Ў., Дадаев С., Толипова Ж. Академик лицейларнинг Табиий фанлар йўналишидаги тармоқ таълим стандарти ва чуқурлаштирилган фанлар ўқув дастурлари. Тошкент, 2005.

2. Пратов Ў.П., Одилов Т., Тошмухаммедов У. Ботаника, Тошкент, “Ўқитувчи” 2002 5-6 синф ўқувчилари учун дарслик, 3 нашри.

3. Белолитов И.В., Шералиев А., Абдуллаев А., Ахадова М.К. Ўрта Осиё ўсимликлар морфологияси. ЦОП ТИПО “Китоб” Ташкент, 1991



4. Исмаилов Х.Э., Шералиев А. Ботаника, “ Академик лицейлар учун ўқув қўлланма”. Тошкент, 2015.